

**ЎЗБЕКИСТОН МИЛЛИЙ УНИВЕРСИТЕТИ ҲУЗУРИДАГИ
ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ DSc03/30.12.2019.К.01.03 РАҚАМЛИ
ИЛМИЙ КЕНГАШ**

САМАРҚАНД ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ

АБДУРАХМАНОВ ИЛХОМ ЭРГАШБОЕВИЧ

**МЕТАЛЛООКСИД КОМПОЗИТЛАР АСОСИДА ЗАҲАРЛИ ВА
ПОРТЛОВЧАН ГАЗЛАРНИ АНИҚЛОВЧИ КИМЁВИЙ СЕНСОРЛАР
ЯРАТИШ**

02.00.02-Аналитик кимё
(кимё фанлари)

КИМЁ ФАНЛАРИ ДОКТОРИ (DSc) ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ

Тошкент – 2021

Фан доктори (DSc) диссертацияси автореферати мундарижаси
Оглавление автореферата диссертации доктора наук (DSc)
Content of doctor of science (DSc) dissertation abstract

Абдурахманов Илхом Эргашбоевич

Металлооксид композитлар асосида захарли ва портловчан газларни аниқловчи кимёвий сенсорлар яратиш..... 3

Абдурахманов Илхом Эргашбоевич

Создание химических сенсоров на основе металлооксидных композитов для определения токсичных и взрывоопасных газов..... 27

Abdurakhmanov Ilkhom Ergashboyevich

Creation of chemical sensors based on metal oxide composites for the detection of toxic and explosive gases..... 51

Эълон қилинган ишлар рўйхати

Список опубликованных работ
List of published works..... 55

**ЎЗБЕКИСТОН МИЛЛИЙ УНИВЕРСИТЕТИ ҲУЗУРИДАГИ
ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ DSc03/30.12.2019.К.01.03 РАҚАМЛИ
ИЛМИЙ КЕНГАШ**

САМАРҚАНД ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ

АБДУРАХМАНОВ ИЛҲОМ ЭРГАШБОЕВИЧ

**МЕТАЛЛООКСИД КОМПОЗИТЛАР АСОСИДА ЗАҲАРЛИ ВА
ПОРТЛОВЧАН ГАЗЛАРНИ АНИҚЛОВЧИ КИМЁВИЙ СЕНСОРЛАР
ЯРАТИШ**

**02.00.02-Аналитик кимё
(кимё фанлари)**

КИМЁ ФАНЛАРИ ДОКТОРИ (DSc) ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ

Ташкент – 2021

КИРИШ (докторлик диссертацияси аннотацияси)

Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати. Дунёда сўнгги йилларда саноатнинг тез суръатлар билан ривожланиши натижасида вужудга келган экологик муаммоларни ҳал этишда, айниқса, атмосфера ҳавоси мониторинги муаммосини ҳал этишда селектив усуллар ва сезгир кимёвий сенсорларни қўллаш муҳим аҳамиятга эга бўлмоқда. Айниқса, бу борада нанотехнологияларни қўллаш орқали кичик ўлчамли, ишлаш ресурси катта, юқори аниқлик ва тезкорликни таъминловчи сенсорлар ишлаб чиқариш ва уларнинг қўлланиш соҳасини кенгайтириш муҳим илмий-амалий аҳамиятга эга.

Жаҳонда атроф-муҳитни ифлослантирувчи енгил алангаланувчан ва портловчан бирикмаларни, жумладан NH_3 , H_2S ва CH_4 нинг мониторингида кимёвий сенсорлар кенг қўлланилиб келинмоқда. Шу сабабли NH_3 , H_2S CH_4 ни юқори сезгир ва тезкор газсезгир материаллари ва кимёвий сенсорларини ишлаб чиқиш бўйича тадқиқотлар олиб борилмоқда. Бу борада металл оксидларидан фойдаланган ҳолда селектив ГСМ лар ҳосил қилиш жараёнлари кинетик қонуниятларини ва механизмини аниқлаш ва юқори эффектив кимёвий сенсорлар ишлаб чиқиш алоҳида аҳамият касб этади.

Республикамизда маҳаллий хом-ашёлар асосида янги турдаги нано тузилишли материалларни ишлаб чиқариш ва уларни халқ хўжалигининг турли тармоқларига жорий этишга катта эътибор қаратилган. Натижада нано тузилишли газсезгир материалларни олиш ва улар асосида саноат, тиббиёт, экология муаммоларини ҳал этувчи рақобатбардош, селектив газ сенсорлари яратишга эришилмоқда. Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича ҳаракатлар стратегиясида¹ «Маҳаллий хом ашёни чуқур қайта ишлашга асосланган юқори қўшимча қийматли маҳсулот ва технологияларнинг янги турларини ишлаб чиқариш, шу асосда ички ва ташқи бозорларда маҳаллий товарларнинг рақобатбардошлигини таъминлаш» вазифалари белгилаб берилган. Бу борада газ аралашмалари таркибидан NH_3 , H_2S ва CH_4 ни назорат қилиш учун замонавий усуллар ва ишончли, селектив яримўтказгичли сенсорлар яратиш муҳим аҳамиятга эга.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги ПФ-4947-сон «Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси» тўғрисидаги Фармони ҳамда 2018 йил 25 октябрдаги ПҚ-3983-сон «Ўзбекистон Республикаси кимё саноатини жадал ривожлантириш чоратадбирлари тўғрисида» ги ва 2019 йил 3 апрелдаги ПҚ-4265-сон «Кимё саноатини янада ислоҳ қилиш ва инвестицион жозибадорлигини ошириш» тўғрисидаги, 2020 йил 12 августдаги ПҚ-4805-сон «Кимё ва биология йўналишларида узлуксиз таълим сифатини ва илм-фан натижадорлигини ошириш чора тадбирлари тўғрисида» ги Қарорлари ҳамда мазкур фаолиятга тегишли бошқа меъёрий-

¹Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги ПФ-4947-сон «Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича ҳаракатлар стратегияси тўғрисида»ги фармони.

ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни бажаришга ушбу диссертация тадқиқоти муайян даражада хизмат қилади.

Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги. Мазкур тадқиқот республика фан ва технологиялари ривожланишининг VII. «Кимёвий технология ва нанотехнология» устувор йўналишига мувофиқ бажарилган.

Диссертациянинг мавзуси бўйича хорижий илмий-тадқиқотлар шарҳи. Яримўтказгич материаллар ва юқори селектив газ сенсорлар яратишга йўналтирилган илмий тадқиқотлар дунёдаги етакчи илмий марказлар ва университетларида, жумладан: Institute of New Catalytic Materials Science (Хитой); The University of California (АҚШ), Kyoto University, Tokyo Institute of technology (Япония); Faculty of Mikrobiology and Biotechnology Bangalore (Ҳиндистон); Hunter Institute of Institut (Германия), University of Bucharest (Руминия), Россия кимё-технология университети, Санкт-Петербург давлат технология институти, Томск политехника университети (Россия); Ўзбекистон Миллий университетида, Самарқанд давлат университетида (Ўзбекистон) олиб борилмоқда.

Юқори сезгир ва селектив сенсорларга бўлган талабнинг ошганлиги боис бу сенсорларни ишлаб чиқишга оид жаҳонда олиб бориладиган тадқиқотлар натижасида қатор, жумладан, қуйидаги илмий натижалар олинган: углерод нанотрубкаси ва тетрабутилортотитанат асосида гибрид газсезгир материаллар олиш усули таклиф этилган (University of Cambridge, Буюк британия); жуда юқори сезгирликка эга бўлган водороднинг ультрамикрoконцентрацияси мавжудлигини аниқловчи селектив наносенсорлар яратилган (The University of California, АҚШ); барий билан легирланган церий диоксиди асосида намликни аниқловчи сенсорни яратишнинг янги усули таклиф этилган (Department of Applied Physics, Chongqing University, Хитой); кичик ўлчамли кислород сезгир сенсор ишлаб чиқилган (University of Pittsburgh, АҚШ); детектор сезгирлигини ошириш мақсадида Россиялик тадқиқодчилар томонидан графен асосида тайёрланган датчикдан фойдаланилган (Микроэлектрон технология институти, Россия); металл оксидлари асосида наноматериаллар синтези амалга оширилган ва уларнинг физик-кимёвий хоссалари текширилган (Ўзбекистон Миллий университети, Ўзбекистон).

Дунёда юқори сезгир кимёвий сенсорлар яратиш бўйича қатор, жумладан, қуйидаги устувор йўналишларда тадқиқотлар олиб борилмоқда: газсезгир материаллар (ГСМ) таркибини ва уларнинг олишни оптимал шароитларини танлаш; яримўтказгичли сенсорларнинг сезгирлиги селективлиги ва экспресслигини ошириш; тиббиёт ва экология муаммоларини ҳал этувчи юқори эффектив кичик ўлчамли сенсорлар ишлаб чиқиш, мавжуд сенсорларнинг аналитик, метрологик ва техник кўпсатгичларини яхшилаш.

Муаммонинг ўрганилганлик даражаси. Дунёнинг кўпгина мамлакатларида газсезгир материалларнинг золь-гель синтези ва заҳарли газларни аниқловчи кимёвий сенсорлар ишлаб чиқишга қаратилган тадқиқотлар олиб борилмоқда.

Етакчи илмий марказларда тетрээтоксисилан асосида темплат иштирокида газга сезгир нанокөмөзитлар яратишга йўналтирилган тадқиқотлар бажарилмоқда. Хусусан, чет эл тадқиқотчиларидан Zampieri A., Selvam T., Hermann R., Finazzi V., Brambilla G., Richardson D., Аверин И.А., Мошников В.А., Шапошник А.В., Звягин А.А., Биренберг И.Э., Сысоев В.В и Лашков А.В. лар ўз ишларида газсезгир нанокөмөзит материаллар синтези ва заҳарли газларни назорати учун сезгир сенсорлар яратишга, катта этибор қаратишган. Ўзбекистонда ҳам нано тузилишли материаллар олиш ва улар асосида газлар анализи учун кимёвий сенсорлар ишлаб чиқишга йўналтирилган ишлар ривожланмоқда. Ушбу йўналишнинг ривожига республикаимиз олимларидан Б.Д. Кабулов, О.Н. Рузимуратов, Х.И. Акбаров, З.А. Сманова, А.М. Насимов, Э. Абдурахманов, М.М. Султанов, З.З. Яхшиева ва бошқалар мураккаб аралашмалар айрим компонентларини аниқдаш усуллари ва сенсорларини ишлаб чиқиб ўз ҳиссаларини қўшганлар. Натижада электрокимёвий, ионизацион, термокимёвий сенсорлар яратиш соҳасида маълум ишлар амалга оширилган. Лекин аммиак, водород сульфиди, метан сингари газларнинг селектив яримўтказгичли сенсорларини яратиш соҳасида тадқиқотлар олиб борилмаган.

Диссертация мавзусининг диссертация бажарилган олий таълим муассасасининг илмий-тадқиқот режалари билан боғлиқлиги. Диссертация тадқиқоти Самарқанд давлат университети илмий-тадқиқот режасининг ИДТ-12-07 “Кимёвий сенсорларнинг янги авлоди учун газга сезгир орғано-ноорғаник наноматериаллар синтезининг физик-кимёвий асосларини яратиш” (2012-2014 йй.) ва ОТ-Ф7-84 “Исследование теоретических основ разработки газо-чувствительных материалов для нового поколения химических сенсоров” мавзусида (2016-2020 йй.) бажарилган давлат грантлари доирасида бажарилган.

Тадқиқоднинг мақсади: Металлооксид көмөзитлар асосида заҳарли ва портловчан газларни аниқловчи селектив яримўтказгичли сенсорларини яратиш ва уларнинг метрологик кўрсаткичларини аниқлашдан иборат.

Тадқиқотнинг вазифалари:

- заҳарли ва портловчан газларнинг кимёвий датчиклари учун сезгир нанокөмөзитлар синтезининг бошланғич таркиби, компонентлари нисбати ва технологик режимларини танлаш;
- заҳарли газларни оксидлаш жараёнида оксидларнинг каталитик хоссаларини ўрганиш ва аммиак, водород сульфиди ҳамда метаннинг селектив датчиклари учун каталитик системалар яратиш;
- металл оксидлари ва тетрээтоксисилан асосида темплат иштирокида NH_3 , H_2S ва CH_4 нинг яримўтказгичли сенсорлари учун наноматериаллар олиш жараёнининг кинетик қонуниятларини ўрганиш;
- олинган наноматериалларнинг юзасининг таркиби ва тузилишини ДТА, СЭМ ва рентген анализи усулларида текшириш;

- олинган нанокомпозит материаллар асосида NH_3 , H_2S ва CH_4 нинг концентрациясини аниқловчи кимёвий сенсорлар яратиш ва уларнинг метрологик кўрсаткичларини тадқиқ қилиш.

- ишлаб чиқилган селектив сенсор асосида табиий газ ва метанин узлуксиз назорати учун автоматик сигнализация тизимини яратиш. Унинг метрологик ва техник кўрсаткичларини ўрганиш.

Тадқиқотнинг объекти бўлиб индивидуал газлар, турли металл оксидлари, кимё саноати ва ёниш кўрилмалари технологик газлари ва табиий газ хизмат қилади.

Тадқиқотнинг предмети - темплат ва металл оксидлари асосида газсезгир материаллар синтези қонуниятларини ўрганиш ҳамда NH_3 , H_2S ва CH_4 ни селектив аниқловчи яримўтказгичли сенсорлар яратишдан иборат.

Тадқиқот усуллари. Ишда кондуктометрия, фотоколориметрия, рентгенофазовой анализ, ДТА, СЭМ, хроматография ва потенциометрия усуллари қўлланилган.

Тадқиқотнинг илмий янгиллиги:

илк бор кўп компонентли газ аралашмалари таркибидан аммиак, водород сульфиди ва метанни назорати учун ZnO , TiO_2 ва WO_3 асосидаги яримўтказгичли сенсорларни селектив газсезгир материалларининг мақсадга йўналтирилган синтези амалга оширилган;

ПЭГ иштирокида олинган ғовак газсезгир наноматериалларни темир, мис ва кобальт оксидлари билан модификациялаш сенсорнинг NH_3 , H_2S ва CH_4 га сезгирлигини ошириши ва аниқлаш жараёнининг температурасини пасайтириши исботланган;

газ аралашмалари айрим компонентларига нисбатан активликлари турлича бўлган катализаторлардан фойдаланилганда яримўтказгичли сенсорларнинг аммиак, водород сульфиди ва метанга нисбатан селективлигини ошириши аниқланган;

NH_3 , H_2S ва CH_4 ни аниқловчи селектив сенсорларнинг аналитик, эксплуатацион ва бошқа кўрсаткичларига газ муҳити параметрларининг таъсири аниқланган;

табиий газни аниқловчи сигнализатор яратилган ва кўрсаткичларига атроф-муҳит омилларнинг таъсири исботланган;

металл оксидлари аралашмалари ва темплат-полиэтиленгликоль асосида тайёрланган яримўтказгичли сенсорлар аммиак, водород сульфиди ва метанни аниқлаш жараёнида юқори сезгирликка эга эканлиги исботланган.

Тадқиқотнинг амалий натижалари қуйидагилардан иборат:

атмосфера ҳавоси ва технологик газлар таркибидан H_2S , NH_3 ва CH_4 ни селектив аниқлашни таъминловчи юқори сезгир ЯЎС лар ишлаб чиқилган. Ишлаб чиқилган сенсорлар тиббиёт, экология, кимёвий технология ва озиқ-овқат

маҳсулотлари сифатининг назорати соҳасидаги қатор муаммоларни ҳал этишда қўлланилиши аниқланган;

ёнувчи газларни атмосфера ҳавоси таркибидан мониторингини таъминловчи сенсорнинг ГСМ таркиби ва конструкцияси ишлаб чиқилган;

метанни яримўтказгичли сенсорларини табиий газ сигнализаторини ишлаб чиқишда фойдаланиш имкониятлари исботланган.

Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги. Барча натижалар замонавий кондуктометр, фотоколориметр, РФА, дифференциал термик анализ, электрон микроскопия (СЭМ), хроматографик ва потенциометрик тадқиқот усулларида фойдаланиб олинганлиги билан асосланади.

Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти. Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти газсезгир плёнка компонентлари юзасида аммиак, водород сульфиди ва метаннинг оксидланиш жараёнини кинетик қонуниятлари ва механизмини аниқланганлиги ва олинган натижалар асосида захарли ва портловчан газларни аниқлаш усуллари ва асбобларини яратилганлиги билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг амалий аҳамияти газ аралашмалари таркибидаги аммиак, водород сульфиди ва метанни аниқлаш усуллари ва яримўтказгичли сенсорларини яратилганлигидан иборат. Ушбу сенсорлар газоаналитик асбоблар таркибида турли объектлардан аммиак, водород сульфиди ва метанни аниқлашда қўлланилади.

Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши. Металлооксид композитлар асосида захарли ва портловчан газларни аниқловчи кимёвий сенсорлар яратиш жараёнида олинган илмий натижалар асосида:

яратилган табиий газ ва CH_4 ни аниқловчи сенсор «Муборак газни қайта ишлаш заводи» АЖ да амалиётга жорий этилган («Муборак газни қайта ишлаш заводи» АЖ нинг 2020 йил 27 июндаги 473/ГК-06-сон маълумотномаси). Натижада, метанни аниқлашнинг юқори тезкорлиги, сезгирлиги, селективлигига эришилган ҳамда саноат ва маиший бинолари ҳавоси таркибида табиий газнинг тўпланишини назорат қилиш имконини берган;

аммиакни аниқлашни яримўтказгичли усули ва сенсори «Муборак газни қайта ишлаш заводи» АЖ да амалиётга жорий этилган («Муборак газни қайта ишлаш заводи» АЖ нинг 2020 йил 27 июндаги №475/ГК-06-сонли маълумотномаси). Натижада аммиакни аниқлашнинг юқори сезгирлиги, тезкорлиги ва селективлигини таъминлаш имконини берган;

ишлаб чиқилган водород сульфиди узлуксиз назоратини таъминловчи кимёвий сенсор «Муборак газни қайта ишлаш заводи» АЖ да амалиётга жорий этилган («Муборак газни қайта ишлаш заводи» АЖ нинг 2020 йил 04 июлдаги 488/ГК-07-сон маълумотномаси). Натижада ғовак ГСМ дан фойдаланиб ишлаб чиқилган кичик ўлчамли датчикни қўлланилиши аниқланувчи компонентни юқори аниқликда назоратини таъминлаш имконини берган;

ишлаб чиқилган кимёвий сенсорлар ОТ-Ф7-52 рақамли “Турли табиатли органик ва ноорганик моддаларнинг таъсирланиш қонуниятлари ва реакцион қобилияти ҳамда берилган комплекс хоссали янги бирикмалар олиш” мавзусидаги амалий лойиҳада органик ва ноорганик моддаларнинг таъсирлашиш жараёнида ажралиб чиқадиган газлар таркибини назоратида қўлланилган (Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг 2020 йил 22 июлдаги 89-03-2627-сон маълумотномаси). Натижада, 1-аллил-2-нафтилметил эфири олишнинг мақбул шароитларини топиш имконини берган.

Тадқиқот натижаларининг апробацияси. Мазкур тадқиқот натижалари 23 та жумладан 6 та халқаро ва 17 та Республика илмий-амалий анжуманларида маъруза қилинган ва муҳокамадан ўтказилган.

Тадқиқот натижаларининг эълон қилиниши. Диссертация мавзуси бўйича жами 56 та илмий ишлар чоп этилган, шулардан иккита монография, Ўзбекистон Республикаси ОАК нинг докторлик диссертациялари асосий натижаларини чоп этишга тавсия этилган нашрларда 31 та илмий мақола, жумладан, 16 таси республика ва 15 таси хорижий журналларда нашр этилган.


Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми. Диссертация таркиби кириш, олтита боб, хулоса, фойдаланилган адабиётлар рўйхати ва иловалардан иборат. Диссертациянинг ҳажми 200 бетни ташкил этган.

ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

Кириш қисмида диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати, тадқиқотнинг мақсади ва вазифалари асослаб берилган, объект ва предметлари тавсифланган, тадқиқотнинг Ўзбекистон Республикаси фан ва технологияларини ривожлантиришнинг устувор йўналишларига мослиги кўрсатилган, унинг илмий янгилиги ва амалий натижалари баён қилинган, назарий ва амалий аҳамияти очиб берилган, тадқиқот натижаларининг амалиётга жорий этиш, нашр этилган ишлар ва диссертация тузилиши бўйича маълумотлар келтирилган.

Диссертациянинг **«Газсезгир нанокомпозит материаллар синтези. Газ аралашмалари таркибидан метан, водород сульфиди ва аммиакни аниқлашнинг усуллари ва асбоблари»** мавзусидаги биринчи бобида газсезгир нанокомпозит материалларнинг золь-гель синтези жараёнининг асосий босқичлари ва уларни турли структура бошқарувчи агентлар иштирокида синтез қилиш соҳасидаги тадқиқотлар системага келтирилиб, назарий аспекти таҳлил қилинган. Газ аралашмалари таркибидан метан, водород сульфиди ва аммиакни аниқлашнинг усуллари ва асбобларининг тезкорлиги, сезгирлиги ва селективлигига турли омилларнинг таъсири қараб чиқилган. Хорижий ва республикамиз тадқиқотчиларининг ЯЎС лар селективлигини оширишда катализаторлардан фойдаланиш натижалари соҳасидаги ишлари таҳлил қилинган.

Диссертациянинг «Аммиак, водород сульфиди ва метаннинг яримўтказгичли сенсорлари учун газсезгир материал таркибини ишлаб чиқиш ва тадқиқ этиш» мавзусидаги иккинчи бобида ГСМ юзасида газнинг оксидланиши қонуниятларини ўрганиш натижалари келтирилган. ГСМ га қўйиладиган асосий талаблардан бири унинг аниқланувчи компонентга нисбатан юқори активлиги ва селективлигидир. ЯЎС нинг ишлаш принципи газ муҳити таркибининг ўзгаришига мос ГСМ нинг электрофизик хоссаларини ўзгаришига асосланган. Кислород ГСМ юзасига адсорбцияланиб O^- (ёки O^{-2}) ни ҳосил қилади. H_2S , NH_3 ва CH_4 нинг адсорбцияланган кислород билан реакцияси қуйидаги тенгламаларга мос ўтади.



Реакцияда ажралиб чиққан электронлар ГСМ юзасига ўтиб унинг электр ўтказувчанлигини оширади. Газ анализи амалиётида ЯЎСнинг юқори сезгирлиги ва селективлигига унинг ГСМ сифатида актив ва селектив металл оксидларидан фойдаланиш орқали эришилади. ЯЎС лар яратишга бағишланган тадқиқотлар давомида сезгир ва селектив катализаторлар танлаш мақсадида TiO_2 , Fe_2O_3 , ZnO , WO_3 , ZrO_2 , CdO , CuO , CoO ва бошқа оксидларнинг H_2S , NH_3 , CH_4 , H_2 , CO сингари қайтарувчи газларни оксидлаш жараёнидаги активлиги ва селективлиги аниқланди 300 °С да олиб борилган тажрибалар H_2S , NH_3 ва CH_4 ни ҳаво кислороди билан таъсирлашиш жараёнида оксидларнинг фаоллигини қуйидаги кетма-кетлигини аниқлаш имконини берди:

1) NH_3 : $MnO_2(85,4) > Fe_2O_3(76,6) > Cr_2O_3(75,8) > V_2O_5(73,0) > TiO_2(71,0) > CdO(68,6) > SnO_2(64,0) > CuO(55,0) > CoO(48,6) > ZnO(43,0) > MoO_3(37,4) > WO_3(33,8) > Bi_2O_3(27,0) > ZrO_2(21,1)$;

2) H_2S : $MnO_2(76,4) > CuO(66,9) > Cr_2O_3(61,8) > WO_3(60,0) > CdO(56,8) > V_2O_5(53,6) > CoO(50,9) > SnO_2(48,0) > Fe_2O_3(37,1) > ZnO(32,9) > MoO_3(30,8) > TiO_2(28,0) > Bi_2O_3(25,5)$;

3) CH_4 : $ZnO(71,6) > CoO(60,7) > MnO_2(55,8) > CdO(49,6) > Cr_2O_3(42,3) > V_2O_5(36,4) > CuO(31,4) > Fe_2O_3(26,0) > MoO_3(24,1) > SnO_2(20,0) > WO_3(18,3) > TiO_2(17,4) > Bi_2O_3(11,6)$.

Тадқиқот натижасида H_2S , CH_4 ва NH_3 ни яримўтказгичли сенсорни газсезгир материали сифатида индивидуал металл оксидларидан фойдаланиш сенсорнинг селективлиги ва юқори сезгирлигини таъминлай олмаслигини кўрсатди.

Турли параметрларнинг кенг диапазонида ёнувчи газларни металл оксидларининг бинар аралашмалари иштирокида ҳаво кислороди билан оксидланиш қонуниятларини ўрганиш натижасида H_2S , NH_3 ва CH_4 ни селектив аниқловчи яримўтказгичли сенсорларнинг сезгир элементлари учун қуйидаги юқори самарали газсезгир материаллар таркиби ва жараённинг оптимал иш температураси танланган: H_2S ($t_{опт.} = 350$ °С; $90WO_3 + 10CuO$), NH_3 ($t_{опт.} = 350$ °С; $90TiO_2 + 10Fe_2O_3$) ва CH_4 ($t_{опт.} = 400$ °С; $90ZnO + 10CoO$). Танланган селектив каталитик тизимлар температура ва концентрациянинг кенг диапазонида яримўтказгичли газсезгир материал юзасида H_2S , NH_3 ва CH_4 нинг оксидланиш жараёнининг юқори активлиги ва селективлигини таъминлайди.



Кейинги босқичда нанокөмпозит металл оксидлари иштирокида NH_3 , H_2S ва CH_4 нинг оксидланиш жараёни механизми ва кинетикаси ўрганилди. Реакциянинг йўналишини аниқлашнинг асосий усулларида бири ҳосил бўлувчи малхсуотлар таркибини аниқлашга асосланган. Тадқиқотлар давомида $10\%\text{Fe}_2\text{O}_3+90\%\text{TiO}_2$ иштирокида аммиакнинг оксидланиш жараёни махсулоти таркиби замонавий анализ усуллари ёрдамида назорат қилинди (жадвал 1).

1-жадвал. NH_3 ни оксидланиш махсулоти таркиби ($\text{NH}_3-2,0\%$, $\text{O}_2:\text{NH}_3=10$).

№	Температура, °C	Реакцияга киришган NH_3 , %	Махсулот таркиби, %		
			N_2	N_2O	NO
1	150	44	44	0	0
2	250	87	87	0	0
3	350	100	100	0	0
4	375	100	91	9	0
6	450	100	39	61	0
6	475	100	19	75	6
7	500	100	8	78	14


1-жадвалдан $90\%\text{TiO}_2+10\%\text{Fe}_2\text{O}_3$ иштирокида $150-350^\circ\text{C}$ да NH_3 нинг оксидланиш жараёни махсулоти таркибини фақат N_2 дан, $375-450^\circ\text{C}$ да N_2 ва N_2O аралашмасидан, 450°C дан юқорида N_2 , N_2O ва NO дан иборат бўлишини кўраемиз. Махсулот таркибида N_2 ни ўзгариши $300-350^\circ\text{C}$ га мос келувчи максимум орқали ўтади. 450°C дан юқорида эса N_2O миқдорининг кескин ортиши кузатилади. Таҳлил натижалари $150-350^\circ\text{C}$ да $90\%\text{TiO}_2+10\%\text{Fe}_2\text{O}_3$ иштирокида NH_3 нинг

оксидланиш жараёни фақат N_2 ҳосил бўлувчи (1) тенгламага мос, 375°C дан бошлаб жараён параллел равишда N_2 ва N_2O ҳосил қилувчи йўналишида (1-2) тенгламага мос ва 475°C дан бошлаб эса бир вақтнинг ўзида N_2 , N_2O ва NO ҳосил бўлиши билан борувчи (1-3) тенгламага мос боришини кўрсатади.



Демак, $90\%\text{TiO}_2+10\%\text{Fe}_2\text{O}_3$ асосидаги сенсор ёрдамида NH_3 ни аниқлашни $300-350^\circ\text{C}$ да олиб бориш мақсадга мувофиқ бўлади.

H_2S нинг оксидланиш механизми ва кинетикасини ўрганиш сенсорнинг параметрларини яхшилашда муҳим аҳамиятга эга. Металл оксидлари иштирокида водород сульфидининг кислород билан бирикиш реакцияси бир неча йўналишларда бориши мумкин. Водород сульфидининг вольфрам ва мис оксидлари иштирокида реакцияси махсулоти хроматограммаси 1-расмда келтирилган.



1-расм. Водород сульфидининг 260°C да, $90\%\text{WO}_3+10\%\text{CuO}$ иштирокида оксидланиш жараёни махсулотининг хроматограммаси. 1-кислород, 2-азот, 3 - водород сульфиди, 4-сульфит ангидриди, 5-сув.

Расмдан танланган шароитларда реакция маҳсулоти компонентларининг тўлиқ ажралишини кўрамиз. H_2S нинг $90\%WO_3+10\%CuO$ иштирокида оксидланиш маҳсулоти таркибининг анализи натижалари 2-жадвалда келтирилган.

2-жадвал.


Температуранинг $200-400\text{ }^\circ\text{C}$ оралиғида $90\%WO_3+10\%CuO$ иштирокида H_2S нинг оксидланиш маҳсулоти таркиби (H_2S -3,0 %, $n=5$, $p=0,95$, $O_2/H_2S=7$)

Т/р	Температура, $^\circ\text{C}$	Реакциядан кейинги газ таркибидаги H_2S , %	H_2S конверцияси, %	Маҳсулот таркиби, %	
				S	SO_2
1	200	1,6	46,7	46,7	0,0
2	240	0,8	73,4	73,4	0,0
3	260	0,3	90,0	83,0	7,0
4	320	0,0	100	21,8	78,2
5	340	0,0	100	0,0	100
6	400	0,0	100	0,0	100


Жадвалда $90\%WO_3+10\%CuO$ иштирокида $200-240\text{ }^\circ\text{C}$ оралиғида H_2S нинг оксидланиши тўлиқ S ва сув ҳосил бўлувчи тенгламага мос боради. Температуранинг $280-320\text{ }^\circ\text{C}$ диапазонида оксидланиш жараёни маҳсулоти таркибида S билан бирга SO_2 нинг мавжудлиги аниқланди. $340\text{ }^\circ\text{C}$ дан бошлаб маҳсулот ўтиши билан газсезгир материал юзасини қоплаши ва натижада сенсор сигналининг пасайишига олиб келиши мумкин. Шу сабабли $90\%WO_3+10\%CuO$ иштирокида H_2S ни аниқловчи сенсор ёрдамида анализни ГСМ юзасидаги температуранинг $320\text{ }^\circ\text{C}$ дан юқори қийматларда ўтказиш мақсадга мувофиқ бўлади.

$90\%ZnO+10\%CoO$ иштирокида CH_4 нинг оксидланиши термодинамик жиҳатдан энг қулай бўлган CO_2 ва сув ҳосил бўлишига асосланган.

Танланган оксидлар иштирокидаги CH_4 нинг конверцияси температуранинг $200-600\text{ }^\circ\text{C}$ диапазонида ўрганилди. Метаннинг оксидланиш маҳсулотининг "Газохром-3101" да олинган хроматограммаси 2-расмда келтирилган. CH_4 нинг оксидланишини температурага боғлиқлиги $100-600\text{ }^\circ\text{C}$ диапазонида ўрганилди.



2-расм. Метаннинг оксидланиш маҳсулотининг хроматограммаси



3-расм. Метанни оксидланиш маҳсулоти таркибининг температурага боғлиқлиги

Олинган натижалардан (3-расм) 200-450 °С диапазонда реакция маҳсулоти таркибида CH_4 нинг миқдори 95 % дан 6 % гача камайганини кўрамиз.

Реакция маҳсулоти таркибида температуранинг ўзгаришига мос CO ва CO_2 нинг қиймати ҳам ўзгариб боради. CO нинг миқдори 350 °С да 11 % га тенг максимум орқали ўтади. Кейинги температураларда реакция маҳсулоти таркибида CO_2 нинг ортиб бориши, CO нинг эса камайишини кўрамиз. Ўтказилган тадқиқот натижалари 90% ZnO +10% CoO таркибли газсезгир материал асосида ишлаб чиқилган сенсор ёрдамида газ аралашмалари таркибидан метанни аниқлаш жараёнида аниқланувчи компонентнинг тўлиқ CO_2 гача оксидланиши температуранинг 450 °С дан юқори қийматларига тўғри келишини кўрсатади.

Диссертациянинг **“Яримўтказгичли газсезгир материаллар олишда золь-гель жараёнини оптимал шароитларини танлаш, олинган материалларнинг таркиби ва хоссаларини ўрганиш”** номли учинчи бобида яримўтказгичли газсезгир материаллар (ГСМ) олишни золь-гель жараёнининг оптимал шароитлари танланган ва олинган ГСМ ларнинг таркиби ва хоссалари ўрганилган. Тажрибаларда плёнка ҳосил қилувчи золь эритмасини гелга ўтишидаги қовушқоқлиги, электр ўтказувчанлиги ва барқарорлиги назорат қилинди. Ишда темплат сифатида ПЭГ дан фойдаланилди. Тадқиқотлар давомида бошланғич компонентларнинг кенг диапазонда эритманинг барқарорлиги текширилди. Тажрибаларда таркибий қисмлар нисбати қуйидаги диапазонларда $\text{Si}(\text{OC}_2\text{H}_5)_4$: $\text{C}_2\text{H}_5\text{OH}$: H_2O : HCl =(1-4): (1-45):(1-40):(0.01-0.3) текширилди. Эритувчи сифатида этил спиртидан фойдаланилди ва ТЭОС-спиртнинг нисбати 1:1 дан 1:45 гача оралиғида текширилди. Бу диапазонда эритманинг қовушқоқлиги 2,5-1,7 сПа гача, зичлиги 0,9783-0,8350 г/см³ гача, электр ўтказувчанлиги 15,8-10,5 мСм гача бўлган ораликда ўзгариши кузатилди. Спирт/ТЭОС=30 ҳолатида золнинг 350,5 соатлик барқарорлиги таъминланади. Компонентлар нисбатини 45 дан юқори қийматларида эритманинг барқарорлигини камайиши кузатилади.

Гидролиз жараёнига сувнинг таъсири компонентлар нисбатларининг кенг оралиғида ўрганилди. Бунда золнинг энг максимал барқарорлик даври (398 соат) H_2O /ТЭОС=20 га тенг қийматига мос келиши аниқланди. Олинган натижалар эритмада ТЭОС нинг 1 дан 4 молгача ортиши золнинг барқарорлигини пасайишига олиб келишини кўрсатди. ТЭОС: HCl нинг энг мақбул нисбати 20 молга тенг ва бунда эритманинг (449,5 соатлик барқарорлиги таъминланади.

ЯЎС лар яратиш соҳасини ривожлантириш сенсорлик хоссаларини намоён қилувчи материаллар қаторини кенгайтиришни талаб этади. Ишда H_2S , NH_3 ва CH_4 ни ЯЎС ларининг газсезгир элементи сифатида титан, темир, рух, кобальт, вольфрам и мис металлларининг оксидлари аралашмасидан фойдаланилди. Бунда TiO_2 , ZnO , ва WO_3 асосий (90 %) компонент бўлиб, ЯЎС нинг тегишли компонентларга нисбатан юқори сезгирлигини таъминлайди. Бу оксидлар нисбатан арзон, барқарор ва плёнкалар тайёрлаш учун қулай. Тажрибаларда TiO_2 , ZnO , ва WO_3 таркибига кам миқдордаги (10 %) Fe_2O_3 , CoO ва CuO нинг қўшилиши

ГСМ нинг тегишли газларга нисбатан селективлигини ошириши аниқланди. Тадқиқотлар давомида 85:15 дан 95:5 гача бўлган нисбатларда $TiO_2+Fe_2O_3$, $ZnO+CoO$ ва WO_3+CuO иштирокида ТЭОС асосидаги золларда ГСМ нинг ҳосил бўлиши батафсил кўриб чиқилди. Тажрибалар $20\text{ }^\circ\text{C}$ да ТЭОС: $H_2O:C_2H_5OH:HCl$ нинг 1:20:30:0,05 нисбатларида, Si ва металл оксидини 1,0:0,5 қийматида ўтказилди. Ушбу натижалар 3-жадвалда келтирилган.


3-жадвал.

Газсезгир плёнка ҳосил қилувчи эритманинг хоссаларига допант таркиби ва миқдорининг таъсири (ТЭОС-1: H_2O -20:этанол-30:HCl-0,05)

Эритманинг хоссалари	Допант таркиби ва нисбати, моль								
	$TiO_2 - Fe_2O_3$			$ZnO-CoO$			WO_3-CuO		
	95:5	90:10	85:15	95:5	90:10	85:15	95:5	90:10	85:15
Қовушқоқлиги, сПа	2,9	3,0	3,3	2,7	2,9	3,2	2,7	2,6	2,8
Барқарорлиги, соат	298	282	260	312	297	276	181	184	149

Тажрибаларда допантли эритмаларнинг қовушқоқлиги (3,3 сПа гача) допантсиз эритманикidan (2,2 сПа дан) катта бўлиши кузатилди. Допант сақлаган эритманинг барқарорлиги допантсизникидан кам ва эритманинг барқарорлиги унга қўшиладиган Fe_2O_3 , CuO ва CoO миқдorigа тескари пропорционал ўзгаради. Ҳароратни 20 дан $40\text{ }^\circ\text{C}$ гача кўтарилиши эритманинг барқарорлигини 7,5 кунгача қисқартиради. ЯЎС ларнинг ГСМ сифатида катта солиштирама сирт майдонига эга бўлган материалдан фойдаланиш унинг юзасига адсорбцияланувчи газни кўпайиши ҳисобига сенсорнинг аниқланувчи газга нисбатан сезгирлигини оширади. Ишда катта юзали ғовак наноматериаллар синтези қонуниятлари темплант ПЭГ иштирокида ТЭОС ҳамда $CuO-WO_3$, $Fe_2O_3-TiO_2$ ва $CoO-ZnO$ мисолида ўрганилди. Олинган ГСМ лар асосида NH_3 , H_2S ва CH_4 учун ғовак ГСМ лар ҳосил қилинди. Олинган ГСМ ларнинг таркиби замонавий дервотографик анализ усули, СЭМ ва РФА усуллари ёрдамида таҳлил қилинди. ПЭГ иштирокида ва ПЭГ сиз синтез қилинган намуналарни термогравиметрик таҳлили STA-449C Jupiter (Netzsch) асбобида температурани $20-500\text{ }^\circ\text{C}$ оралиғида ўтказилди. $SiO_2\backslash TiO_2+Fe_2O_3+ПЭГ$ ва $SiO_2\backslash TiO_2+Fe_2O_3$ таркибли термо ишлов берилмаган намуналар учун массанинг ўзгариш эгри чизиғи (ТГ эгриси) 4-расмда келтирилган.

4-расм. $SiO_2\backslash(90TiO_2+10Fe_2O_3)+ПЭГ(1)$ ва $SiO_2\backslash(90TiO_2+10Fe_2O_3)$ (2) таркибли термо ишлов берилмаган намуналари учун массанинг ўзгариш эгриси.



Расмда келтирилган $SiO_2\backslash(90TiO_2+10Fe_2O_3)+ПЭГ$ ни термограммасида $110-160\text{ }^\circ\text{C}$ да намлик ва эритувчининг буғланиши, натижасида 1-сакраш ва $180-350\text{ }^\circ\text{C}$ да ПЭГ нинг чиқиши натижасида 2-сакраш кузатилади. $SiO_2\backslash(90TiO_2+10Fe_2O_3)$ нинг термограммасида эса $180\text{ }^\circ\text{C}$ дан юқорида ПЭГ ни парчаланишига хос


массанинг ўзгариши кўзатилмайди. Ушбу натижалар ПЭГ ни чиқариб юбориш натижасида ғовак плёнка ҳосил қилиш учун нанокөмпозитга 350-400 °С оралиғида ишлов бериш етарли бўлишини тасдиқлайди. SiO₂\TiO₂+Fe₂O₃+ПЭГ, SiO₂\ZnO+CoO+ПЭГ ва SiO₂\WO₃+CuO+ПЭГ таркибли термо ишлов берилмаган намуналар таркибидаги 110-160 °С да чиқувчи қолдиқ намлик ва эритувчининг десорбцияси ҳамда 180-350 °С диапазолида органик полимер миқдорида мос масса йўқотиш қийматлари 4-жадвалда келтирилган.

4-жадвал.

ПЭГ иштирокида олинган көмпозитларини масса йўқотиш қийматлари
(намунанинг массаси 30 мг)

Т/р	Намунанинг таркиби	Намунанинг масса йўқотиш температураси			
		110-160 °С да		180-350 °С да	
		мг	масс %	мг	масс %
1	SiO ₂ \TiO ₂ +Fe ₂ O ₃ +ПЭГ	1,6	5,3	7,8	26,3
2	SiO ₂ \ZnO+CoO+ПЭГ	1,5	5,0	8,0	26,6
3	SiO ₂ \WO ₃ +CuO+ПЭГ	1,9	6,3	8,1	27,0


ПЭГ, ТЭОС ва металл тузлари иштирокида ўтказилган синтез жараёнида бошланғич аралашма таркибига қўшилган ПЭГ миқдори умумий аралашма миқдорида нисбатан 40 % ни ташкил этгани ҳолда тажрибаларда турли таркибли көмпозитларнинг масса йўқотиш қийматлари асосида аниқланган ПЭГ миқдори 26-27 % ни ташкил этади. Демак, эритмага қўшилган ПЭГ нинг кўпи билан 26-27 % миқдори SiO₂ билан боғланади. Турли температурада ишлов берилган ТЭОС ва ПЭГ асосидаги ГСМ нинг юзасини СЭМ да олинган кўриниши 5-расмда келтирилган. 400 °С да SiO₂ ва ПЭГ аралашмасидан иборат материал таркибидан ПЭГ нинг чиқиб кетиши оқибатида плёнка юзасидаги ғовакларнинг ҳосил бўлиши билан борадиган ўзгариш кузатилади. Температура 600 °С гача кўтарилганда олинган нанокөмпозит юзасининг айрим участкаларида майда ғовакчаларнинг бир-бири билан ўзаро қўшилиб (бирикиб) катта ғовакларни ҳосил қилиш жараёнининг бориши, яъни агломерацияланиши кузатилди.



5-расм. Термо ишлов берилмаган ТЭОС ва турли температураларда қиздирилган ТЭОС +ПЭГ дан иборат нанокөмпозит плёнка юзасининг тузилиши. а) термо ишлов берилмаган ТЭОС, б) 25 °С да, в) 400 °С да ва г) 600 °С ҳароратларда термик ишлов берилган ТЭОС+ПЭГ.

Таркибига ПЭГ қўшилмаган ТЭОС/(ZnO +CoO) дан иборат ГСМ нинг 450 °С да термо ишлов берилган намунасини СЭМ да


олинган юзасининг структурасида ғоваклар кузатилмайди (Расм 6 а). Бундан фарқли 400 °С да термо ишлов берилган ТЭОС/(WO₃+CuO)+ПЭГ таркибли плёнка юзасида ғовакларнинг тарқалиши кузатилади (расм-6б).



6-расм. 400 °С температурада термо ишлов берилган ТЭОС/(90%ZnO+10%CoO) таркибли (а) ва ТЭОС/(10%CuO+90% WO₃)+ПЭГ таркибли (б) ГСМ ларнинг юзасини СЭМ да олинган кўриниши.

Ушбу ҳолат яна бир бор ПЭГ иштирокида синтез қилинган газсезгир материалга 400-450 °С ҳароратда термо ишлов берилганда ПЭГ нинг ажралиб чиқиши натижасида газсезгир материални ғоваклигининг ортишини тасдиқлайди. СЭМ да олинган натижалар таркибида ПЭГ бўлган SiO₂/(90TiO₂+10Fe₂O₃)+ПЭГ, SiO₂/(90ZnO+10CoO)+ПЭГ ва SiO₂/(90WO₃+10CuO)+ПЭГ таркибли газсезгир нанокомпозитларнинг 350 °С гача қиздирилган уларнинг таркибидаги ПЭГ нинг асосий қисми парчаланиб чиқиб кетишини ва 400-450 °С гача қиздирилган газсезгир плёнканинг ғовак ҳолати тўлиқ таъминланишини кўрсатди. ПЭГ иштирокида олинган ГСМ ларнинг элемент таркибининг ўртача қийматлари уларни тайёрлашда қўлланилган бошланғич қийматларига тўлиқ мос келишини кўрсатди. Нанокомпозит ГСМ лар таркибини ўрганишда СЭМ билан бирга бири-бирини тўлдирувчи РФА усулларидан фойдаланилди. Тажрибаларда олинган ГСМ ларнинг РФА асосидаги тадқиқотлари натижалари бошланғич моддалар таркиби, жараённинг ўтказиш шароитларига мос микро ва мезоғовакли плёнкалар ҳосил бўлишини кўрсатди. ГСМ таркибий қисмларининг миқдорий анализ натижалари унинг таркибини гель ҳосил қилувчи эритмадаги бошланғич миқдорига мос эканлигини тасдиқлайди.

Намуналарда бензол буғлари адсорбцияси Мак-Беннинг кварц спиралли қурилмасида ўлчанди. Адсорбат сифатида олинган бензол фойдаланишдан аввал вакуум шароитда тозаланди ва қурилди. 7-расмда турли таркибли ГСМ да ўрганилган адсорбцияси изотермалари келтирилган.



7-расм. Турли таркибли нанокомпозитларга адсорбцияланиш изотермалари: 1-ТЭОС, 2-ТЭОС+ПЭГ (5%), 3-ТЭОС+ПЭГ (20 %).

Бензолни адсорбцияси изотермалари асосида намуналарнинг муҳим кўрсаткичларидан бўлган моноқават сифими α_m ва уларнинг солиштирма юзаси S БЭТ назарияси тенгламаси ёрдамида аниқланди. Микроғоваклар ҳажмий тўйиниш назарияси

тенгламаси асосида адсорбентда бензол адсорбция изотермалари асосида турли нисбий босимларда (P/P_s) аниқланган микроғоваклар (W_0), мезоғоваклар (W_{me}) ва

тўйиниш адсорбция ҳажм (V_s) лари ҳамда ғовакларнинг ўртача радиусини ҳисоблаш натижалар 5-жадвалда келтирилган.

5-жадвал.


ТЭОС ва ПЭГ дан иборат плёнканинг ғоваклик кўрсаткичлари.

№	Намуна	$W_0 \cdot 10^3$	$V_s \cdot 10^3$	$W_{me} \cdot 10^3$	Ғовакларнинг ўртача радиуси, $r_{\text{ўр}}$, Å
1	ТЭОС	0,029	0,033	0,004	20,6
2	ТЭОС+ПЭГ-6000 (5 %)	0,078	0,086	0,008	23,0
3	ТЭОС+ПЭГ-6000 (20 %)	0,256	0,294	0,038	14,8
3	ТЭОС+ПЭГ-6000 (40 %)	0,431	0,518	0,087	11,8
3	ТЭОС+ПЭГ-6000 (50 %)	0,436	0,524	0,088	10,4

Жадвалдан бошланғич аралашма таркибида бўлган ПЭГ миқдорини 5 % дан 40 % гача ортиб боришига мос ТЭОС асосида тайёрланган плёнканинг адсорбция ҳажмининг ортиб боришини кўрамиз. ПЭГ нинг плёнка таркибида 40 %дан юқори қийматларида нанокөмпозитнинг ғоваклик кўрсаткичларида сезиларли ўзгариш кузатилмайди.

Диссертациянинг «Газлар таркибидан водород сульфидини селектив аниқловчи яримўтказгичли сенсор яратиш ва унинг кўрсаткичларини текшириш» деб номланган тўртинчи бобида темплат иштирокида ва темплатсиз синтез қилинган $\text{SiO}_2/(90\% \text{WO}_3+10\% \text{CuO})$ таркибли ГСМ асосида водород сульфиди миқдорини назорат қилиш учун селектив (танловчан) яримўтказгичли сенсор ишлаб чиқиш ва унинг метрологик тавсифлари, аналитик параметрлари ва техник кўрсаткичларини ўрганиш натижалари кўриб чиқилган.


Водород сульфиди сенсорига қизиқиш, шубҳасиз, унга бўлган талабдан келиб чиқади. Ишнинг иккинчи ва учинчи бобларида ўтказилган тадқиқотлар натижасида водород сульфиднинг яримўтказгичли сенсори газсезгир материали сифатида $\text{SiO}_2/(90\% \text{WO}_3+10\% \text{CuO})$ дан фойдаланиш имконияти исботланган. $\text{SiO}_2/(90\% \text{WO}_3+10\% \text{CuO})$ асосида ишлаб чиқилган яримўтказгичли водород сульфид сенсорининг ишлаш принципи H_2S ни сорбцияланиши ва унинг юзадаги кислород ионлари билан таъсирлашуви натижасида газсезгир қатламнинг электр ўтказувчанлигининг ўзгаришига асосланган. H_2S ни аниқловчи яримўтказгичли сенсорнинг ташқи кўриниши 8-расмда келтирилган.



8-расм. Яримўтказгичли сенсорнинг схемаси (а); ташқи кўриниши (б). 1-сезгир элемент; 2-шиша билан қопланган Pt сими; 3-металл тутқич; 4-ток ўтказувчи контакт; 5-корпус; 6-ғовак ҳимоя қопқоғи.

Тажрибалар давомида газ аралашмалари таркибидаги H_2S миқдорини назорат қилиш учун темплат-ПЭГ сиз ва ПЭГ иштирокида олинган ГСМ лар асосида ишлаб чиқилган ЯЎС ларни метрологик кўрсаткичлари ўрганилди.


Сенсорнинг фон сигнаolini тоза ҳаво муҳитида максимал қийматиға эришиш учун сарф бўлган вақт, яъни сенсорни ишға тайёр бўлиш вақти 5 секунддан ошмайди. Яримўтказгичли сенсор ЯЎС-Н₂S нинг тезкорлигини аниқлаш натижалари 9-расмда кўрсатилган.



9-расм. Н₂S ни аниқловчи ЯЎС нинг тезкорлиги. кўрсатгичлари (1-темплатсиз, 2-темплат иштирокида олинган ГСМ).

9-расмда келтирилган натижалар ишлаб чиқилган сенсорнинг экспресс аниқлашда қўллаш имконини тасдиқлайди. W ва Cu оксидидан ПЭГ иштирокида олинган ғовак плёнкадан ГСМ сифатида фойдаланиш битта анализ учун вақтни 17 секунддан 12 секундгача қисқартиришға имкон беради.


ЯЎС-Н₂S нинг сезгирлигини аниқлаш кучланишнинг кенг оралиғида (1,0-3,0 В) ўтказилди. Тажрибаларда ПЭГсиз ва ПЭГ иштирокида синтез қилинган ГСМ ларнинг қиёсий тавсифи ўрганилди. ГСМ учун кучланишни танлаш бўйича тажрибалар нормал шароитда таркибида 200 мг/м³ водород сульфид бўлган газ-ҳаво аралашмаси мисолида ўтказилли. Олинган натижалар 10-расмда келтирилган.



10-расм. ЯЎС-Н₂S сигнаlinи унга бериладиган кучланишға боғлиқлиги. 1-темплатсиз олинган ГСМ, 2-темплат иштирокида олинган ГСМ.

10-расмда келтирилган натижалардан ЯЎС-Н₂S сигнаlinинг энг юкори қийматларини таъминловчи кучланишни қиймати темплат иштирокида олинган ГС плёнка учун 1,85 В га тенг бўлган ҳолда ПЭГ сиз олинган ГСМ га нисбатан (2.50 В) паст эканлигини кўраимиз. Тажрибалардан (10-расм) ПЭГ иштирокида

W ва Cu оксиди асосида тайёрланган плёнка ЯЎС-Н₂S нинг кучланиш қийматини (В), темплатсиз синтез қилинган ГСМ га нисбатан камайтиришини ва ЯЎС сигнали қийматини оширишини кўраимиз. Кейинги тажрибаларда Н₂S нинг паст концентрацияларида 1-SiO₂/(90%WO₃-10%CuO) ва 2-SiO₂/90%WO₃-10%CuO)+ ПЭГ таркибли ГСМ лар асосида ишлаб чиқилган ЯЎС сигнаlinинг аралашмадаги газ концентрациясига боғлиқлиги қиёсий ўрганилди. Тажрибалар Н₂S концентрациясини 1-100 мг/м³ оралиғида ўтказилди (11-расмда).



11-расм. Стандарт газ аралашмаси таркибидаги Н₂S миқдорига мос келувчи ЯЎС-Н₂S сигнали қиймати :1-темплатсиз. 2- темплат иштирокида олинган ГСМ.

Келтириган маълумотлардан, темплат иштирокида олинган ГСМ дан фойдаланиш сенсорни юкори сезувчанлигини таъминлашини кўраимиз. Масалан, аралашмада Н₂S 100 мг/м³ га мос келувчи темплатсиз

ва темплат иштирокида олинган ГСМ га мос сенсор сигнали 0,57 ва 0,98 ни ташкил қилади. Демак, синтезда темплатдан фойдаланиш сенсор сигналини 1,75-185 бараварга ошишини таъминлайди. Шунингдек, ПЭГ иштирокида олинган плёнкадан фойдаланиш сенсор сирналини концентрацияга боғлиқлигини концентрациянинг паст қийматларига мос келувчи тўғри чизиқли диапазонини оширишга олиб келиши аниқланди. ПЭГсиз олинган ГСМ учун бу қиймат 45 мг/м³ га ПЭГ иштирокида олинган ГСМ учун эса 5 мг/м³ га тўғри келади, яъни нанокөмпозит плёнка синтезида ПЭГнинг қўшилиши сенсорнинг H₂S таъсирига сезгирлигини кескин оширади. Тажрибалар ГСМ таркибига ПЭГ қўшилган ГСМ дан иборат сенсорнинг водород сульфидини аниқлаш хатоси ПЭГсиз ГСМ га нисбатан анча кичик бўлишини кўради. Концентрациянинг 50-1000 мг/м³ диапазонида темплатли ва темплатсиз олинган ГСМ асосидаги ЯЎС ларнинг сигналини H₂S миқдорига боғлиқлигини тўғри чизиқли характерга эга эканлигини кўрсатди. SiO₂/WO₃+10%CuO+ПЭГ таркибли ГСМ асосида ишлаб чиқилган сенсорнинг H₂S га сигнали SiO₂/WO₃+10%CuO таркибли плёнка асосида ишлаб чиқилган сенсор сигналга нисбатан 1,80 марта катталиги аниқланди. ЯЎС H₂S нинг селективлиги 350 °С да H₂, СО ва СН₄ иштирокида ўрганилди (6-жадвал).

6-жадвал.

ЯЎС-H₂S нинг селективлигини текшириш натижалари (n=5, p=0,95)

Т/р	Газ аралашмасининг таркиби	SiO ₂ /WO ₃ 10%CuO		SiO ₂ /WO ₃ 10%CuO+ПЭГ	
		Топилган водород сульфиди, мг/м ³			
		$\bar{x} \pm \Delta x$	Sr10 ²	$\bar{x} \pm \Delta x$	Sr10 ²
1	H ₂ S-50±(ҳаво қол.)	53±3	1,5	51±5	1,1
2	H ₂ S-50±H ₂ -104±(ҳаво қол.)	52±2	1,2	52±4	1,2
3	H ₂ S-50±СО-120±(ҳаво қол.)	54±3	1,5	51±3	1,1
4	H ₂ S-50±CH ₄ -124±(ҳаво қол.)	53±4	1,3	52±4	1,2


Ўрганилган концентрация оралиғида ишлаб чиқилган ЯЎС лар H₂S ни селектив аниқлашга имкон беради. H₂ ва СН₄ нинг қўшилиши ҳисобига ЯЎС-H₂S нинг аниқлаш хатолиги WO₃ ва таркибли сенсор учун 2,0 % бўлган ҳолда, SiO₂/WO₃+10%CuO+ПЭГ таркибли сенсор учун 1,0 % дан ошмайди.

Сенсорнинг фазода жойлашишини ва газ аралашмаси сарфининг кенг оралиғида ўзгариши унинг аналитик сигналга сезиларли даражада таъсир қилмайди. Ишлаб чиқилган сенсорнинг концентрациянинг катта қийматларига чидамлилиги 2500 мг/м³ миқдорда H₂S бўлган аралашмасидан фойдаланиб текширилди. Назорат аралашмаси сифатида H₂S нинг концентрацияси 50, 250 ва 500 мг/м³ га тенг бўлган стандарт аралашмалари қўлланилди. Ўрганилган диапазонда юқори концентрациялар таъсирида ЯЎС-H₂S нинг юзага келувчи қўшимча хато қиймати 1,8 ҳаж.% дан ошмайди. ПЭГ иштирокида олинган ГСМ асосида ишлаб чиқилган сенсор ёрдамида H₂S ни аниқлаш натижаларини бошқа усулларда олинган натижалар билан таққосланганда ишлаб чиқилган сенсорни масса ва ўлчамларини кичиклиги экспресслиги, паст энергия қийматларида

ишлаши ва ишлатишдаги қулайлиги бўйича мавжуд усуллардан устунлигини сақлаган ҳолда тўғрилиги, селективлиги такрорланувчанлиги ва сезгирлиги бўйича мавжуд (хроматографик, термokatалитик, оптик, потенциометрик ва б.) усуллардан қолишмаслигини кўрсатди.

Шундай қилиб, олинган натижалар асосида H_2S ни концентрациянинг кенг оралиғида аниқлашнинг яримўтказгичли сенсори яратилди. Сенсорни водород сульфиднинг назоратда узлуксиз режимда ишлатиш мумкин. Олинган натижалар ишлаб чиқилган сенсорнинг кўрсаткичлари бўйича мавжуд хроматографик, термokatалитик, оптик ва потенциометрик усуллардан қолишмаслигини кўрсатди.

Ишнинг 5-бобида ZnO ва CoO асосида ПЭГсиз - $(SiO_2/(90ZnO+50CoO))$ ва ПЭГ иштирокида - $(SiO_2/(90ZnO+10CoO)+ПЭГ)$ олинган ГСМ лар асосида ишлаб чиқилган сенсорларнинг метрологик кўрсаткичлари ўрганилган. $SiO_2/(90ZnO+10CoO)$ ва $SiO_2/(90ZnO+10CoO)+ПЭГ$ таркибли ГСМ қаршилигини температурага боғлиқлигини ўрганиш натижалари 12-расмда келтирилган. ZnO ва CoO га асосланган ГСМ ларнинг қаршилигини температурага боғлиқлигини ўрганиш натижасидан аралашмадаги 1000 мг/м^3 метан учун қаршиликни ўзгаришини энг катта қиймати 280 ва $350 \text{ }^\circ\text{C}$ га тўғри келишини кўрамыз (12 а-расм).



12-расм. Метанни аниқлаш жараёнида а- $SiO_2/(90ZnO+10CoO)$ ва б- $SiO_2/(90ZnO+10CoO)+ПЭГ$ таркибли ГСМ лар қаршилигини температурага боғлиқлиги (газ аралашмаси таркибидаги метаннинг концентрацияси 1000 мг/м^3). Демак, ПЭГ иштирокида синтез қилинган

ГСМ дан фойдаланиш метанни аниқловчи сенсорни максимал сигналини таъминловчи температура қийматини 70°C га пасайишига (350°C дан 280°C гача камайишига) олиб келади.

ГСМ сиртида 280°C ва 350°C ҳарорат сенсорга бериладиган кучланишни $2,1 \text{ В}$ ва $2,8 \text{ В}$ га тенг қиймати таъсирида таъминланди. CH_4 ни аниқловчи $SiO_2/(90\% ZnO+10\%CoO)$ ва ПЭГ иштирокида синтез қилинган ГСМ лар асосида ишлаб чиқилган ЯЎС ларнинг 350°C ҳароратдаги динамик кўрсаткичлари 7-жадвалда келтирилган.

7-жадвал.

Метанни аниқловчи ЯЎС нинг тезкорлигини текшириш натижалари

Газсезгир плёнка таркиби	Динамик кўрсаткичлари, секундларда*				
	$t_{0,1}$	$t_{0,65}$	$t_{0,9}$	t_{π}	$t_{\text{тиклан}}$
$SiO_2/(90ZnO+10\%CoO)+ПЭГ$	3	6	10	11	18
$SiO_2(90ZnO+10\%CoO)$	3	7	12	15	23

* $t_{0,1}$ -сигналнинг бошланиши, с. $t_{0,65}$ -65 % га етишиш вақти, с. $t_{0,9}$ -барқарорлашиш вақти, с. t_{π} -сигналнинг тўлиқ қиймати, с. $t_{\text{тиклан}}$ - сенсор сигналининг тикланиш ($t_{0,1}$ —гача қайтиш) вақти, с.

Сенсорни барқарорлашиш ($t_{0,9}$) вақти $SiO_2/(90ZnO+10\%CoO)$ учун 15 с.га $SiO_2/(90ZnO+10\%CoO)+ПЭГ$ асосланган сенсор учун эса 11 с.га тенг. ТЭОС нинг

аҳамиятга эга. Ушбу ишда ZnO, CoO ва ПЭГ асосидаги яримўтказгичли сенсорлардан фойдаланиб юқори эффектив сигнализатор ишлаб чиқилди. Сигнализатор табиий метан газини ҳамда суюлтирилган (пропан, бутан) газни турар жой ва ишлаб чиқариш иншоотлари атмосфера ҳавосидан аниқлаш имконини беради. У табиий газнинг концентрацияси белгиланган чегарага етганда овозли ва ёруғлик сигналларини беради. Сигнализатор сигналининг 20 °С ҳароратда, метаннинг миқдори 0,5 ва 2,5 % гача бўлган аралашмаларида ўтказилган текшириш натижалари ўрганилган диапазонда концентрацияни ўлчашдаги асосий келтирилган хатонинг максимал қиймати чегараси 1,6 % ни ташкил этади. Концентрация ҳар бир белгиланган қийматига етганда сигнализаторнинг ишга тушиш вақти 3 секунддан ошмайди. Атроф-муҳит температурасини 0-60 °С оралиғида ўзгаришидан келиб чиқадиган сигнализаторнинг қўшимча хато қиймати 0,04 % га тенг ва бу сигнализаторнинг йўл қўйилиши мумкин бўлган асосий хатосидан кичик. Ўтказилган 365 кунлик тажрибалар давомида сигнализаторнинг параметрлари ўзгармасдан сақланиб қолди. Сигнализатор электромагнит клапанини бошқариш тизими билан биргаликда турар-жой бинолари, автомобиль салонлари ва қозонхоналарда ёнувчи газнинг сизиб чиқиши ва тўпланишини доимий автоматик назоратида ишлатилиши мумкин.

